Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

XII Халқаро иқтисодчилар Форуми

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ҚИСҚАРТИРИШ

ТОШКЕНТ-2020
27 октябр

УДК: 338.23:331.5(575.)(062)
ББК: 65.240.(5У)я43

XII Халкаро иқтисодчилар форуми. Пандемия шароитида ижтимоий-иқтисодий оқибатлар ва Ўзбекистон аҳолисининг камбағаллик даражасини кискартириш" мавзуидаги Халкаро илмий- амалий конференцияси материаллари тўплами. // Ш.Шукуровнинг умумий тахрири остида. // Тошкент: IFMR, 2020.-383 бет.

Тахрир хайъати аъзолари: Ш.Шукуров, Т.Ахмедов и.ф.д., проф., О.Олимжонов и.ф.д., проф., Дж.Муминов и.ф.н., доц., Д.Курбанова и.ф.н., доц., Н.Расулов и.ф.н., доц., Н.Ибрагимова PhD, Н.Садриддинов, Д. Ильина, М.Каримов, Д. Ибрагимова; ОАК вакиллари: Э.Шодмонов и.ф.д., проф., С. Зокиров и.ф.н.

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараккиёт ва камбағалликни кискартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан 2020 йил 27 октябрда интернет платформа асосида видеоконференция форматида ўтказилган «Пандемиянинг ижтимоий- иқтисодий оқибатлари ва Ўзбекистон аҳолисининг камбағаллигини кискартириш» мавзусидаги Иқтисодчиларнинг навбатдаги XII халкаро форумида тақдим этилган илмий мақолаларни ўз ичига олади.

Ўтказилган Форумнинг мақсади иқтисодий эксперт ҳамжамияти вакилларини пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва республика иқтисодиётининг холатига таъсирини баҳолаш ҳамда аҳолининг камбағаллигини кискартиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш ва керакли таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу тўплам пандемия шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ижтимоий - иқтисодий оқибатларини прогнозлаштириш, камбағалликни кискартириш омили сифатида реал сектор тармокларини, жумладан саноатни тез суръатлар билан ривожлантириш, рақамлаштиришга асосий эътиборни каратиш макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга бағишланган илмий мақолаларни ўзида мужассам этган. Бундан ташқари, мақолаларда инсон капиталини янада ошириш масалалари, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини ошириш чора-тадбирлари, шунингдек, пандемия шароитида минтақалар, хусусан, кишлок худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини барқарорлаштириш йўллари кўриб чиқилган. Иқтисодиётни рақамлаштириш ва инновацион жараёнларни фаоллаштириш асосида янги иш ўринларини барпо этиш ва камбағалликни кискартириш учун инвестициявий ва ишбилармонлик мухитини яхшилаш масалалари ёритилган.

Тўплам миллий иқтисодиётни ривожлантириш масалалари билан кизикувчи жамоатчилик, илмий- педагогик ходимлар, докторантлар, илмий -тадқиқот муассасалари, шу
жумладан, хорижий илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари, вазирликлар ва идоралар, махаллий хокимият органлари, етакчи мутахассислари учун мўлжалланган.

Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланган.

Ушбу илмий мақолалар тўпламида келтирилган қарашлар ва хулосалар муаллифларнинг шахсий фикрларини билдиради.

УДК 364.66(575.1)(062)

ISBN 978-9943-5783-2-6

© Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кискартириш вазирлиги хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ), 2020. www.ifmr.uz

Қурбонов Ж.М., Курбанова Р.Ж., Қурбонов Ж.Ж.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтишининг ташкилий-иқтисодий механизмлари.....199
Загребельская М.В.
К вопросу формирования информационно-технической поддержки интегрированного планирования на предприятиях нефтегазового комплекса.....205

3-бўлим. ИНСОН КАПИТАЛИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ҚИСҚАРТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ ТУРМУШИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Ибрагимова Н.М.
Приоритетные направления повышения благосостояния и усиления социальной защиты.....209
Хусанов Б.Ш.
Совершенствование модели социального обеспечения населения в условиях пандемии коронавируса.....214
Зайналов Д.Р., Алиева С.С.
Перспективы развития финансового механизма социального обеспечения населения в условиях пандемии коронавируса.....218
Yakubova S.S.
The role of public-private partnerships in social sphere in the Republic of Uzbekistan.....222
Абдуллаев Б.С.
Ўзбекистонда томорқа хўжаликларининг пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни.....224
Ахмедова М.А.
Неформальная занятость в Узбекистане - как фактор сдерживающий развития экономики.....228
Юлдашева Н. М. А.
Камбағалликни қисқартириш сиёсати – аҳоли фаровонлигини ошириш омили сифатида.....232
Мамадалиева Х. Х.
Социально демографические факторы бедности.....236
Хасанов Р. Р.
Даромадлар тенгсизлиги ва камбағаллик.....240
Кутлиев О. А., Алимова Г. А.
Камбағаллик даражасини баҳолаш мезонлари.....245
Хужакулов Х. Д., Назарбаев О., Утанов Б. Қ.
Камбағаллик даражасини ўлчашнинг иқтисодий-статистик усуллари.....250
Қўзиев К. Ф.
Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида камбағалликни қисқартиришнинг долзарб масалалари.....254
Шакирова У. М-И.
Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш жараёнида ишсизларни касбий тайёрлашнинг ўрни.....258
Назарбаев О., Хасанов Р. Р.
Аҳоли даромадлари ва камбағаллик муаммоси.....262
Махкамова Ш. Ю.
Маҳсулот ва хизматларга ёшларнинг талаби орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини режалаш (социологик тадқиқотлар натижалари).....265
Алимова Г. А.
Ўзбекистоннинг аҳоли турмуш сифати рейтингидаги ўрнини ошириш имкониятлари.....269
Дергачёва Т. А.
Развитие медицинского туризма как фактор подъема туристской сферы услуг в условиях пост-пандемии.....272
Имомов В.А.
Ўзбекистонда меҳнат бозори кўрсаткичларининг ўзгариши ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.....277
Ашурзода Л. М.
Особенности проявления конкурентоспособности молодежи на рынке труда Узбекистана.....279

4-бўлим. ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА МИНТАҚАЛАР, ХУСУСАН, ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ

Олимжонов О. О.
Прогнозирование экономического роста регионов Узбекистана с учетом влияния карантинных мер.....284
Ахмедов Т. М.
Уровень развития сельских территорий Узбекистана.....288

иккинчидан, экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ривожланмаяпти, экспортолди ва экспортни молиялаштириш механизмлари мавжуд эмас;

учинчидан, чукур маркетинг тадқикотларини ўтказиш, узок муддатли баркарор ташки бозорларни шакллантириш ва хорижда ташки савдо инфратузилмасини яратишга етарли даражада эътибор каратилмаяпти;

тўртинчидан, хар хил хизмат турлари экспортини ташкил қилиш ва илгари суриш бўйича тизимли ишлар мавжуд эмас, уларни кўрсатиш учун зарур инфратузилма ривожланмаган.

Курбонов Жамшед Маджидович,
т.ф.д., профессор
Курбанова Рахима Жамшедовна,
PhD, катта ўқитувчи
Курбонов Жаҳонгир Жамшедович,
ассистент
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Маълумки, хизмат кўрсатиш корхоналарига: умумий овқатланиш (ресторанлар, ошхоналар, кафе, барлар ва х.к.), меҳмонхона (отеллар, ботеллар, хостеллар ва х.к.), савдо (дўконлар, магазинлар, мини-, супер-, гипермаркетлар) ва бошқа истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондирувчи корхоналар киради. Хизматлар соҳасининг 2019 йилдаги ЯИМдаги улуши 35,5%, шундан алохида иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ва бошқа турдаги хизматлар улуши – 20,9 %, ташиш ва саклаш, ахборотлаштириш ва алоқа -7,7 %, савдо, яшаш ва овқатланиш хизматлари – 6,9 %ни ташкил этади[23].

2020 йил пандемия шароитида узлуксиз давом этган карантин натижасида кўплаб корхоналар катта зарарга учрадилар ва ходимларини ишдан бўшатишга мажбур бўлдилар. Лекин, шундай шароитда ҳам ўз иш фаолиятларини анъанавий усулдан online усулига ўзгартириб, корхонадаги мавжуд электрон ресурсларни ишга солган ҳолда қисман бўлса ҳам, ўз иш фаолиятларини тўхтатмаганлар ҳам бўлди. Бунда, улар аҳолининг турар жойи ёки хоҳиши бўйича кўрсатилган манзилга: овқатланиш маҳсулотларини, тайёр таомларни етказиш ва бошқа хизматларни олдиндан берилган буюртма асосида амалга оширишни давом эттирдилар. Лекин, бунда ҳам, корхона эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни олиш қийин бўлди. Худди шунингдек, ташки алоқаларнинг суслиги, хизматлар инфраструктурасининг етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли хозирги вактда корхонанинг асосий фондларини сотиш ёки ижарага беришда тўсиқларга учраяптилар. Бунда, корхоналар ҳақидаги маълумотлар банкининг йўқлиги, бу жараённи самарасизликка олиб бормокда. Фикримизча, бунинг асосий ечими барча корхоналарни рақамли иқтисодиётга ўтказиш керак. Президентимиз айтганидек: «…Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради….қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис,

[23] https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/1.pdf

рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.... Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳалари тўлиқ рақамлаштирилади. Шунингдек, "Электрон ҳукумат" тизими ...»[1] комплекс ҳал этилади. Лекин бу дегани, бошқалар қараб ўтириши керак дегани эмас, ҳозирдан бошлаб мавжуд ресурслардан фойдаланилган ҳолда рақамли иқтисодиётга боскичма - боскич ўтишни бошлашлари керак.

Хизматлар соҳасини рақамлаштириш усуллари бўйича таклифлар Гулямов С.С.[2], Грибанов Ю.И.[3],[4]ларининг ишларида, иқтисодиётнинг соҳаларини рақамлаштириш ва унинг корхоналар ракобатбардошлигига таъсири Скрут В.С.[5], Бабкин А.В.[6] ва бошқаларнинг тадқиқотларида келтирилган.

Ўрганилаётган адабиётларнинг хулосалари асосида биз ўз тадқиқотимизни хизмат кўрсатиш(овқатланиш ва турар жой хамда сотиш) корхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтишининг ташкилий-иқтисодий масалаларини ўрганиш ва улар бўйича таклифлар ишлаб чиқаришга қаратдик. Рақамли технологиянинг маҳаллий, бошқа даражадаги рақамли платформаларини яратиш, шунингдек унинг манбаи ҳисобланган ташкилотлар, корхоналар серверини ташкил этиш лозим.

Тадқиқотда «Тизимли тахлил» ва «Мантиқий тахлил» методикасидан фойдаландик.

Ҳозирги кунда дунёда рақамли иқтисодиётнинг якуний бир таърифи мавжуд бўлмасада,[7,8] унинг рақамли технологиялар ва тегишли маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, яратиш, таркатиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият[9] эканлигини инобатга олиб, хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамлаштириш деганда (маълумотни электрон шаклда тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва тақдим этиш[10] жараёнлари) биринчи ўринда корхонанинг маълумотларини генерациялаш назарда тутилади.

Генерациялаш жараёнида корхоналаги фаолият жараёнлари хақидаги маълумотлар рақамлаштирилади ёки ракам шаклига келтирилади. Бунинг учун, корхонадаги мавжуд электрон техникалан (уларнинг таснифи 1-расмда келтирилган) фойдаланиш максадга мувофиқдир. Улар: IBM, Xerox, Toshiba, Siemens, Epson, Canon, Panasonic фирмаларига карашли хисобланиб, улар хакидаги маълумотлар ўкув кўлланмамизда келтирилган[11]. Биз тадқиқотимизнинг пандемия даврида Самарканд шахар «Оби–Рахмат» МЧЖ ("Юлдуз" ресторани ва савдо маркази») ва бошқа корхоналарда, бўлажак маҳаллий ёки тармокларо

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномаси "Зарафшон " газетаси, 2020 йил 25 январь.10-11-сон, 4-сахифа.

[2] Гулямов С.С. ва бошкалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. Т.: Иқтисод-Молия, 2019. 396 б.

[3] Грибанов Ю.И. Методология развития экономики, промышленности и сферы услуг в условиях цифровизации: цифровизация: коллективная монография / Ю.И. Грибанов, под ред. А.В. Бабкина. СПб.: Политех-Пресс, 2018. С. 48-90.

[4] Грибанов Ю.И. Основные модели создания отраслевых цифровых платформ / Ю.И. Грибанов // Вопросы инновационной экономики. - 2018. - Том 8. № 2. - С.223-234. – 1,1 п.л.

[5] Скрут В.С. Трансформация промышленности в цифровой экономике: проблемы и перспективы // Креативная экономика. – 2018. – Том 12. – № 7. – С. 943-952. doi: 10.18334/ce.12.7.39208

[6] Бабкин А.В., Чистякова О.В. Цифровая экономика и ее влияние на конкурентоспособность предпринимательских структур // Российское предпринимательство. – 2017. – Том 18. – № 24. – С. 40874102. doi: 10.18334/rp.18.24.38670

[7] Волошин, А.В. Обзор подходов к определению сущности цифровой экономики/Экономический механизм как как инструмент повышения эффективности деятельности предприятий: сб. науч. статей / ФГАОУ «Сибирский федеральный университет», 2019г.-342 с.

[8] Головенчик Г. Теоретические подходы к определению понятия цифровая экономика //Наука и инновации. 2019. №1. С. 54 - 59. https://doi.org/10.29235/1818-9857-2019-1-54-59

[9] https://investstruture.ru/edu/artices/tsifrovaya-ekonomika-v-rossii.

[10] Абдрахманова Г.И., Вишневский К.О., Гохберг Л.М. и др.; науч. Ред Гохберг. Л.М.; Что такое цифровая экономика? Тренды, компетенции, измерение. Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». — М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2019. — 82, [2] с. — 250 экз.

[11] Курбонов Ж.М., Курбонова Р.Ж. Хизматлар кўрсатиш корхоналари электрон техникаси.-Тошкент: Ношир нашриёти, 2019. -168 б.

рақамли платформаларга қўшилиш, корхона фаолиятидаги жараёнлар ҳақидаги маълумотларни рақамлаштириш ёки рақам шаклига келтириш учун, улардаги мавжуд электрон техникадан фойдаланган ҳолда, ягона серверини ташкил этиш ва бунинг ёрдамида айрим ташқи алоқаларни ўрнатишни таклиф этдик.



1-расм Хизматлар кўрсатиш корхоналари электрон техникаси таснифи

Самарқанд шаҳар «Оби–Рахмат» МЧЖ (“Юлдуз” ресторани ва савдо маркази»)да, ҳозирги вақтда жами 2 та POS-система, 12 та электрон касса аппарати, 8 та электрон тарози ва 3 та персонал компьютерларнинг ҳаммаси HPE ProLiant DL120 Gen9 серверига уланди. Бунда, корхонадаги мавжуд ВЭ-15Т электрон тарозилари электрон касса аппарати билан боғланишини ОНЦ-ВГ -4-5/16 В ва Ш Н-1-5 вилкали махсус кабеллар ёрдамида уланди (илова:1-расм). POS-системалар, фискал регистратор асосидаги назорат-касса машинаси, факат компьютер-касса тизимида ишловчи, алоқа тармоғидан маълумот олиб ишловчи комплекс тизимга киради. Улар асосан магнит карта тўловида ишласада, тезликда смарт-картага ва PIN PADга ҳам мослаштирилади. Улардаги мавжуд портлари: 2xRJ-11 2/6 портли (телефон линияси ва телефон учун), 1xRJ-11 4/4 порти PIN PAD (RS-232)ни улашга, 1xRJ-45 порти RS-232 учун; акумлятор учун, модеми 14400 бит/сек, смарт-карт қабул қилувчиси ва 32 битли процессори, маълумотларни ҳимояловчи RAM диски билан таъминланган. POS-система BEETLEPOS-Кга турли периферий жихозларни улаш билан бирга, касса терминали “локал” алоқа тармоғи билан маъмуриятдаги савдо зали менеджери иш жойи билан боғлаш ва унинг ёрдамида товар ҳаракатини, колдиғини, сотиш назоратини, кунлик тушумни

кузатиш билан, бошқа вазифаларни ҳам бажариш мумкин. Корхонадаги SAMSUNG ER 4615RF – электрон назорат-касса машинаси хам, кўп функцияли бўлиб, ўзаро турли тармоклар (касса, секция, ошхона, маъмурият ва х.к.) боғланиш учун кулай интерьер билан таъминланган ва RS-232 интерфейси билан персонал компьютерга ёки электрон тарозига чиқиши мумкин. Ушбу электрон техникаларга асосан, «профи-Т», «Штрих-М: Кассир», «Frontol», «Advanced Storesi Retail» дастурлари қўлланилади. Корхонада олинган HPEP ro Liant DL120 Gen9 Serverixcham 1U шасси ва юқори ишлаш самарадорлиги учун Intel® Xeon® E5-2600v3 / v4 ёки E5-1600v3 / v4 процессорига, 2400 МГц частотада, максимал 256 Гбайт қувватга эга. Ушбу яратилган ягона тизим ёрдамида корхона кўпгина юқорида келтирилган қўшимча хизматларни йўлга қўйиб ишламокда. Худди шундай ягона тизимни Ургут шаҳар "Ургут Файз савдо" МЧЖ савдо маркази ва ошхонасида, Жума шаҳар "Жума Файз" МЧЖда тузиш тавсия этилди, лекин бу корхоналарнинг қуввати кичиклиги ва мавжуд электрон техника воситаларининг камлиги учун, сервер компьютери ўрнига қуввати каттарок персонал компьютердан фойдаланилди. Корхонада ички бошқарув ва назоратдан ташқари, ташқи алоқага чиқиш имконияти туғилди ҳамда кўпгина қўшимча хизматлар ва бошқа ишлар олиб борилмокда. Умуман олганда, корхонанинг самарадорлиги ўртача 14 – 17% га ошди.

Юқорида келтирилган методика асосида, Самарқанд шаҳар мехмонхоналарида ҳам рақамли иқтисодиётга ўтиш ишлари тавсия этилди. Бундан ташқари, меҳмонхоналарни мавжуд электрон воситалари билан «HRS» компаниясининг «Fidelio» ва «Micros» дастурий аппаратлари тизими ёрдамида тўлиқ бир тизимга келтирилиши мумкинлиги асосланди (илова: 2- расм). Худди шунингдек, «Рексофт» Россия фирмаси ишлаб чиққан «Эдельвейс» меҳмонхонани автоматлаштиришнинг стандарт комплекси (АБТ) билан ҳам, (илова: 3- расм) меҳмонхонанинг барча бўлим ва бўлинмаларини (меҳмонларни қабул қилиш ва жойлаштириш, халқаро интернет тармоғи орқали бронлаш, омбор, бухгалтерия, ресторан ва бар, банкет хизмати, техник бўлим, сотув ва маркетинг ва бошқалар учун дастурлар) рақамли бир тизимга келтирилиши тавсия этилди. Юқорида келтирилганлар ёрдамида, хизмат кўрсатиш корхоналарида: автоматик равишда бошқарув тизимлари инвестицияларни муҳофаза қилиш ва самарали бошқарув, режалаштириш ва йўқотишларни камайтириш, турли янги қўшимча хизматларни кўрсатиш, умуман олганда турли рақамли платформаларга боғланиш билан корхоналар самарадорлигини (20-25%) кескин ошириш мумкинлиги кўрсатилди.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамли иқтисодиётга босқичма – босқич ўтказиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Бунда:

I – босқичда хизмат кўрсатиш корхоналарида сервер тизимини ташкил этиш учун рақамли технология базаси яратилади; маҳаллий-, тармоқлараро-, республика, халқаро миқёсидаги рақамли платформаларни ташкил этиш асосини яратилади ҳамда фойдаланишга топширилади;

II –босқичда корхоналарнинг рақамли платформаларга киришини рағбатлантириш асосида изчиллаштириш, республика ва халқаро миқёсда алоқалар ўрнатилиши учун қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқилади ва амалиётга тадбиқ этилади;

III –босқичда корхоналарнинг рақамли иқтисодиётга ўтиши, республика ва халқаро тизимлардан тўлақонли фойдаланишга эришилади.

Илова